



ЎЗБЕКИСТОНДА ТОВАРЛАРНИНГ АКЦИЗ СОЛИФИГА ТОРТИЛИШИННИГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

DOI: https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss4/a22

Бойкабилов Баҳодир Мустафаевич -
физика-математика фанлари номзоди
Солик қўмитаси ҳузуридаги
Фискал институт доценти

Аннотация. Мақолада иқтисодиёт эркинлашувининг ҳозирги босқичида акцизости товарларни солиқга тортиши амалиётини бошқариш зарурлиги, моҳияти ва омиллари, мақсади, вазифалари ва муаммолари тадқиқ этилган. Мамлакатнинг ривожланишида акцизости товарларни солиқга тортиши амалиётини бошқариш самарали тадбирларига креатив ёндашувларнинг ўзига хос хусусиятлари илмий асослаб берилган ва солиқга тортиши амалиётини такомиллаштириш имкониятлари тадқиқ этилиб, тавсиялар ишлаб чиқилган.

Ключевые слова: соликлар ва солиқга тортиш, эрги соликлар, акциз солиги, акцизости маҳсулотлар, акцизости товарларни солиқга тортиши амалиёти.

ОСОБЕННОСТИ НАЛОГООБЛОЖЕНИЯ ТОВАРОВ В УЗБЕКИСТАНЕ

Бойкабилов Баҳадыр Мустафаевич -
кандидат физико-математических наук,
доцент Фискального института при Налоговом комитете

Аннотация. В статье исследуются необходимость, сущность и факторы, цели, задачи и проблемы управления практикой налогообложения подакцизных товаров на современном этапе экономической либерализации. Научно обоснованы особенности творческих подходов к эффективным мерам управления практикой налогообложения подакцизных товаров в развитии страны, изучены возможности совершенствования практики налогообложения и выработаны рекомендации.

Ключевые слова: налоги и налогообложение, косвенные налоги, акцизный сбор, подакцизные товары, практика налогообложения подакцизных товаров.

PECULIARITIES OF TAXATION OF GOODS IN UZBEKISTAN

Boykabilov Bahadir Mustafaevich -
PhD in physics and mathematics Associate Professor of the
Fiscal Institute under the Tax Committee

Abstract. The article examines the necessity, essence and factors, goals, objectives and problems of managing the practice of taxation of excisable goods at the present stage of economic liberalization. The features of creative approaches to effective measures for managing the practice of taxation of excisable goods in the development of the country are scientifically substantiated, the possibilities of improving the practice of taxation are studied and recommendations are developed.

Key words: taxes and taxation, indirect taxes, excise tax, excisable goods, practice of taxation of excisable goods.

Кириш. Иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар жараёни, фискал сиёсат ва солиқ тўловчиликлар солиқ салоҳиятини ошириш муаммоларининг жадаллашуви, солиқ тизимини оптималлаштиришнинг самарали дастакларини давлат томонидан қўллаш кўп жиҳатдан билвосита соликлар, жумладан, акциз солигининг самарали механизми ташкил этилишига бевосита боғлиқдир. Бугунги кунда кўплаб мунозараларга сабаб бўлаётган солиқ тизимини ислоҳ қилишнинг алоҳида бир йўналиши сифатида акцизости товарларни солиқга тортиш амалиётини такомиллаштириш йўналишларини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга.

Шу ўринда мамлакатимиз Президенти Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек, солиқ юкини камайтириш, бизнес юритиш учун янада қулаг шароитлар яратиш "яширин" иқтисодиётга барҳам беришнинг ягона йўлидир. Шунинг учун бу борада таъсиран чораларни назарда тутадиган

алоҳида дастур ишлаб чиқишимиз зарур. Бундан ташқари ўзимизда ишлаб чиқарилган ва импорт қилинаётган юқори ликвидли маҳсулотлар маркировкасини жорий этиш бўйича жадал иш олиб бориш талаб этилади. Янги таҳрирдаги Солиқ кодексида мамлакат тараққиётининг таянчи бўлган инсофли, ҳалол солиқ тўловчиларни рағбатлантириш, яширин фаолият юритадиганларни эса жазолаш кўзда тутилиши шартлиги таъкидлаб ўтилган.

Адабиётлар шарҳи. Акциз солиги турли иқтисодий ривожланиш босқичларида бўлган қатор давлатларда билвосита солиқга тортишнинг самарали шакли сифатида эътироф этилади. Шу билан бирга, акциз солиги ҳозирги кунда жаҳон солиқга тортиш амалиётида мувафақиятли қўлланилмоқда. Акциз солигининг қадим давлардан ҳозирги кунга қадар бу даражада кенг тарқалишининг асосий сабаби унинг фискаллик аҳамияти ва йиғувчанлик даражаси-

нинг юқорилигидир. Бу ҳақида француз иқти-
садчиси Ф.Дэмэзон таъкидлаб ўтган эди:
“Акцизнинг биргина ўзи бошқа барча солиқ ту-
шумлари ва ундан ҳам кўпроқни беришга қо-
дирдир” [1].

Жумладан, О.Р.Тегетаева фикрича, “акциз
солиғи эгри солиқ таркибига кирса-да, ҳозирда
унинг асосий аҳамияти аҳоли ижтимоий
истеъмолининг ҳолати ва истиқболини баҳолаш
мезони эканлигидадир” [2].

Л.В.Боровко фикрича, “ҳозирги замон со-
лиқ сиёсатининг истиқболи йўналиши ва кон-
цептуал акциз солиғига тортиш амалиётининг
ижтимоий йўналтирилган моделини шакллан-
тириш ва унинг самарали ривожланишини таъ-
минлашдир” [3].

М.А.Троянская ва Ю.О.Низамиева таъкид-
лалича, “билвосита солиққа тортишнинг сама-
рали шакли сифатида акциз солиғидан истеъ-
молни таркиба соловчи ва ишлаб чиқаришни
рағбатлантирувчи восита сифатида фойдала-
ниш имкониятларини яратиш, уларнинг барқа-
рорлигини таъминлаш муҳим аҳамият касб
этаётir” [4].

Юқорида билдирилган фикрларнинг
умумлашма таҳлили “акциз солиғининг зарур-
лиги” тушунчаси моҳиятини тушунишга уч хил
ёндашув мавжудлигини кўрсатди.

Биринчи ёндашув мазкур тушунчани тор
маънода тушунишни изоҳлайди ва унинг эгри
солиқ сифатидаги аҳамиятигагина урғу бериш-
га асосланади.

Иккинчи ёндашув вакиллари эса ўз навба-
тида, ушбу тушунча талқинида асосий эътибор-
ларини концептуал акциз солиғига тортиш ама-
лиётининг ижтимоий йўналтирилган моделини
шакллантириш ва унинг самарали ривожлани-
шини таъминлаш зарурлигига қаратадилар.

Бундан ташқари учинчи ёндашув вакилла-
ри акциз солиғи зарурлигини давлат фискал
базасининг ушбу солиқ иштирокидаги шаклла-
ниши, тақсимланиши ва ишлатилиши билан
боғлайдилар [5].

Мамлакатимиз солиққа тортиш амалиёти-
ни ривожлантиришга муносаб ҳисса қўшиб
келаётган олимларимиздан Э.Гадоев,
Ш.Гатаулин, И.Завалишина, Т.Маликов, О.Олим-
жонов, Х.Собиров, А.Жўраевни ҳам мисол келти-
риш мумкин.

Бироқ шуни алоҳида таъкидлаш жоизки,
мамлакатимизда олиб борилаётган илмий тад-
қиқот ишларида акцизости товарларни солиққа
тортиш амалиёти ҳамда акциз солиғи маъму-
риятчилиги мавзуси жуда кам ўрганилган.

Солиққа тортиш амалиётини ислоҳ қилиш
ва акцизларнинг самарали моделларини яра-
тишни қамраб оловучи бир қатор концептуал
қоидалар мунозарали бўлиб, илмий тушунишни,
шунигдек, солиқ солинадиган базани шакллан-

тириш муаммосига ойдинлик киритишни талаб
қиласди. Акциз солиқларини ҳисоблаш, уларни
бюджетга ундириш ва назорат қилишнинг со-
лиқ тартибини ишлаб чиқиш амалиёт эҳтиёжла-
ридан сезиларли даражада орқада қолмоқда.

Тадқиқот методологияси. Ушбу мақола-
да қиёсий таҳлил ҳамда индукция ва дедукция
баҳолаш усулларидан фойдаланилди. Қиёсий
усулдан фойдаланилиб, акцизости товарларни
солиққа тортиш амалиётини самарали бошқа-
ришда креатив ёндашувларнинг амалий аҳа-
миятини ёритиш бўйича илмий холосалар бе-
рилди.

Таҳлил ва натижалар. Акциз солиғи маҳ-
сус турдаги товарларга қўйиладиган солиқ ҳи-
собланади. Акциз солиғига тортиладиган товар-
лар, одатда, умумий хоссага эга бўлган товарлар
ҳисобланади, яъни улар атроф-муҳит тозалиги-
га, экологияга келтираётган зарари ёки аҳоли
саломатлигига салбий таъсир этувчи омиллари
 билан ажралиб туради.

Бундан ташқари акциз солиғи бундай маҳ-
сулотларни ишлаб чиқаруб, реализация қилиш-
да ҳосил бўладиган юқори даражада олинади-
ган фойданинг бир қисмини солиқ кўринишида
ишлаб чиқарувчидан олиб қўйишининг бир усу-
ли ҳисобланади.

Акциз солиғини жорий қилишнинг қулай-
лиги шундан иборатки, уни киритиш ва тўлови-
нинг назорат механизми осон, чунки, одатда,
акциз солиғи ставкаси қатъий белгиланиши ва
бухгалтерия ҳисботларига аралашмасдан аниқ
бир ҳажмидан келиб чиқсан ҳолда ҳисоблани-
шидир.

Шу билан бирга, бундай товарларнинг
акциз солиғи билан қамраб олинниши, мазкур то-
варларга истеъмолчилар фойдаланиш имко-
ниятларини чеклаган ҳолда тамаки ва алкоголь
маҳсулотлари оммавий истеъмоли ва мос ра-
вишда, мазкур товарлар инсонларнинг саломат-
лиги ёки экологияга салбий таъсирини камай-
тиради.

Табиатига кўра акциз солиғи давлат учун
икки томонлама аҳамиятга эга, биринчидан,
улар бюджет даромадларининг маълум бир қис-
мини шакллантириш манбаи ҳисобланса,
иккинчидан, акцизга тортиладиган товарлар
истеъмолини чеклаш ва товарларга бўлган та-
лаб ва таклифларни тартибга солиш вазифаси-
ни бажаради.

Бунда акциз солиғи, асосан, акцизости то-
варларини ишлаб чиқарувчилардан ундирили-
шига қарамасдан, аслида товарларга юқори ха-
рид нархлар белгиланиши орқали унинг солиқ
юки истеъмолчиларнинг гарданига тушади. Шу
билан бирга, мазкур солиқ тури регрессив ху-
сусиятга эга бўлганлиги сабабли унинг кенг кў-
ламда бошқа товарларга қўлланилиши мақсадга
мувофиқ эмас.


Шу сабабли ҳам мамлакатимизда, асосан, 3 турдаги товарларга, яъни нефть, тамаки ва алкоголь маҳсулотларига акциз солиғи ставкалари жорий қилинган.

Жаҳон мамлакатларининг кўпчилигига акциз солиғи зарарли одатлардан воз кечишина рағбатлантирувчи восита сифатида фойдаланилиб, бу ҳаёт сифати ва давомийлигини яхшилайди. Масалан, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра, биргина Россия Федерациясининг ўзида ҳар йили меҳнатга лаёкатли аҳолининг чекиши билан боғлиқ касаллик-

лардан 400 минг, алкоголизмдан 500 минг киши ҳаётдан кўз юмади.

Акцизости товарларни ишлаб чиқарувчидан ёки импорт қилувчидан юқори даражада олинадиган фойданинг бир қисмини солиқ кўринишида олиб қўйишнинг бир усули ҳисобланар экан, унда акциз солиғи бюджет даромадларининг бир қисмини ташкил қиласди.

Жумладан, ўтган беш йил давомида акциз солиғи тушумларининг ялпи ички маҳсулотга нисбатан улуши қўйидагича тақсимланган:



1-расм. Акциз солиғи тушумларининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши, 2017-2022 йй. (трлн. сўмда)

Манба: солиқ қўйитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

Кўриниб турибдики, йиллар давомида ялпи ички маҳсулотга нисбатан акциз солиғи улуши камайиб бормоқда.

Акциз солиғи ставкаси жуда юқори даражада қўйилмаслиги керак, айниқса, ўтиш иқтиодиётидаги давлатлар учун чегаралари нисбатан очик бир пайтда акциз солиғи ставкалари қўшни мамлакатга нисбатан юқори ўрнатилиши акцизости товарларнинг контрабандасини оширишга, уларни ноқонуний ишлаб чиқаришга асосан алкоголь маҳсулотларни кустар йўл билан ишлаб чиқаришнинг кўпайишига олиб келади.

Бундан ташқари акциз солиғи акцизости товарларни ишлаб чиқариш ёки импорт қилиш жараёнида ундирилиши зарур. Шунинг учун ҳам акциз солиғи ставкасининг қатъий миқдорда белгиланиши қулайлиги билан ажralиб туради, агар акциз солиғи ставкаси фоизларда белгиланса, ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг реализация нархини аниқлашда муаммолар келиб чиқиши мумкин.

Алкоголь маҳсулотларининг акциз солиғига тортилиши акциз солиғига тортиладиган товарларнинг даромадли қисми ҳисобланади. Африка қитъасининг айрим давлатларида акциз солиғининг жами бюджет тушумларидаги улуши 95 фоизгачани ташкил қиласди.

Алкоголь маҳсулотларига белгиланадиган акциз солиғи ставкаси, асосан, ҳар бир дона алкоголь маҳсулотига, яъни унинг таркибидаги спиртнинг миқдорига қараб белгиланиши маъмурчилик нуқтаи назаридан жуда қулай ҳисобланади. Кучсиз алкоголли ичимликлар, яъни пиво, вино ва вермут айрим мамлакатларда камайтирилган ставкада ёки ноль ставкада акциз солиғига тортилади. Бунга асосий сабаб бир томондан маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни, биринчи навбатда, кам миқдорда улгуржи сотувчиларни қўллаб-қувватлаш бўлса, иккинчи томондан мазкур алкоголь маҳсулотлари таркибида кам спирт бўлганлиги сабабли уни истеъмол қилганда, инсон соғлиғига зарари кам ҳисобланади.

MOLIYA VA SOLIQLAR



2-расм. 2013-2022 йилларда акциз солиғи тушумларининг жами тушумлардаги улуси

Манба: солиқ қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

Бундан ташқари алкоголь маҳсулотларига белгиланадиган акциз солиғи, асосан, этил спиртига юқори миқдорда белгиланган ҳолда акциз солиғини йифиб олишдир. Бунда солиқ идоралари томонидан барча алкоголь маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилар фаолиятини назорат қилиш зарурати қолмайди, яъни маъмурчилик нуқтаи назаридан ишлар соддалашади.

Лекин бошқа томондан акцизости товарлар ишлаб чиқармайдиганлар учун (матбаа ва парфюмерия маҳсулотлари, тиббиёт соҳасида) бундай усулда акциз солиғи ундирилиши нокулай ҳисобланиб, бундай маҳсулотларни ишлаб чиқариш таннархини ошириб юборишга олиб келади.




3-расм. 2013-2022 йилларда алкоголь маҳсулотлари бўйича акциз солиғи тушумларининг жами акциз солиғи тушумларидаги улушлари

Манба: солиқ қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

Шу сабабдан ҳам Ўзбекистон Республикасида алкоголь маҳсулотларига – асосан ароқ, коньяк ва бошқа алкоголь маҳсулотларига акциз солиғи ставкаси 2022 йилгача бундай маҳсулотларнинг ҳажмига, яъни 1 далга белги-

ланган бўлса, 2023 йил 1 январдан бошлаб акциз тўланадиган маҳсулотнинг 1 литри таркибидаги этил спиртининг улушидан келиб чиқсан ҳолда ҳисоблаб чиқариладиган бўлди.



4-расм. 2020-2022 йилларда ароқ маҳсулотларига белгиланган акциз солиғи бўйича тушум

Манба: солиқ қўймитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

Мисол учун: 2022 йилда ароқ, коньяк ва бошқа алкоголь маҳсулотларига акциз солиғи ставкаси 1 дал учун 138 000 сўм (ёки 1 литр учун 13 800 сўм) миқдорида белгиланган эди. Яъни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 13 февралдаги "Алкоголли маҳсу-

лотларнинг хавфсизлиги тўғрисидаги умумий техник регламентни тасдиқлаш ҳақида"ги 71-сонли қарорида ароқ маҳсулотларининг қуввати (таркибидаги этил спиртининг миқдори) 37,5 дан 56 гача бўлиши белгиланган.

Бунда 2022 йилгача белгиланган акциз солиғи ставкаси бўйича қуввати қанча бўлишидан қатъи назар 1 литр маҳсулотга 13 800 сўмдан акциз солиғи тўланган.

2023 йилда ушбу маҳсулотларга акциз солиғи ставкаси акциз тўланадиган товар таркибидаги сув қўшилмаган этил спиртнинг 1 литри учун 34 500 сўм миқдорида белгиланмоқда. Масалан, ароқ таркибидаги этил спирти улуши 40 %ни ташкил этади, 1 литр учун акциз солиғи суммаси 13 800 сўмни (34 500 сўм x 40 %) ташкил этади.

Бунда агарда мазкур маҳсулот 1 литрининг қуввати 52 бўлганда (таркибида спиртнинг миқдори 52 фоизни ташкил қиласа), бунда акциз солиғи 17 940 (34 500x0,52) сўмни ёки қуввати 38 бўлганда, акциз солиғи 13 110 сўмни (34 500x0,38) ташкил қиласа.

Бундан кўриниб турибдики, 2023 йилдан бошлаб ароқ, конъяк ва бошқа алкоголь маҳсулотларига белгиланган акциз солиғи ставкаси маҳсулотлар таркибида спиртнинг улуши қанчалик кўп бўлса, акциз солиғи суммаси шунчалик юқори ва аксинча, таркибида спиртнинг улуши қанча кам бўлса, акциз солиғи суммаси шунчалик кам миқдорда ҳисобланади.

Шу билан бирга, 2023 йилнинг 1 февральдан бошлаб эса индексацияни ҳисобга олган ҳолда акциз тўланадиган товар таркибидаги сувсиз этил спиртнинг 1 литрига 15 200 сўмни (38 000 сўм x 40 %) ташкил этади.

Келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, охирги уч йил давомида ароқ маҳсулотларига белгиланган акциз солиғи бўйича тушум жами алкоголь маҳсулотлари бўйича тушумнинг 90 фоизидан ортиғини ташкил қиласа. Шу сабабли ҳам, айнан, ароқ маҳсулотларига

белгиланган акциз солиғи ставкаларини кўллаш тартибида ўзгартириш киритилди.

Бундан ташқари 2023 йилнинг 1 январидан бошлаб озиқ-овқат хомашёсидан ректификацияланган этил спирти, эфирадегидли фракциядан техник ректификацияланган этил спирти ва асосий фракциядан этил спиртига акциз солиғи ставкаси 5 бараварга оширилиб, 1 литри учун 7 450 сўмни ташкил қиласа.

Хуласа ва таклифлар. Мавзу юзасидан куйидаги хуласаларга келинди:

1. Ишлаб чиқарилаётган ва Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига олиб кирилаётган энергетик ичимликлар (кофеин моддаси юқори бўлган энергетик ичимликлар) ҳамда таркибида шакар миқдори юқори бўлган алкогиз салқин ичимликларга шакар миқдорига қараб акциз солиғини жорий этиш лозим, барқарорлик активлар таркибида молиялаштириш манбалари таркибининг мувофиқлиги тавсифларидан бири ҳисобланади.

2. Солиқ қонунчилигига мувофиқ, акциз солиғи нарх таркибида ва қўшилган қиймат солиғи базасида ҳисобга олинади. Шундан келиб чиқиб, солиқ тўловчилар божхона ҳудудига акциз солиғи солинадиган товарларни импорт қилиш вақтида қўшилган қиймат солиғи солиш базасида божхона божи ва акциз солиғи суммаси ҳисобга олинади. Ушбудан келиб чиқиб, бу ерда солиқни ундириш механизми бироз бузилади, яъни қўшилган қиймат солиғи солиш базасига акциз солиғи ва бож суммалари ҳам киритилади. Яъни солиқка тортиладиган базага олдин ундирилган акциз солиғи суммаси ҳам киритилмоқда, бу тўланган солиқ учун яна солиқ тўлаш демақдир. Бу солиқка тортишнинг аниқлик ва адолатлилик тамойилларига мос келмайди.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси “Солиқ кодекси”. –Т.: Гафур Гулом нашриёт уйи, 2020. – 640 б.
2. Ўзбекистон Республикаси Солиқ қўймитаси маълумотлари. www.soliq.uz.
3. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 30 декабрдағи ЎРҚ-742-сонли “2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети тўғрисида”ги қонуни.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги фармони.
5. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. – Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2019. – 61 б.
6. Малов В.Н., Кольбер Ж.Б. Абсолютистская бюрократия и французское общество. – М.: Наука, 1991. С. 90.
7. Тегетаева О.Р. К проблемам реформы акцизного налогообложения. // Налоговый менеджмент. 2016. № 6. С. 23-27.
8. Боровко Л.В. Формирование социально-ориентированной модели акцизного налогообложения и эффективность её развития. // Проблемы экономики и юридической практики, 2012, № 6, с. 71-75.
9. Троянская М.А., Низамиева Ю.О. Совершенствование акцизного налогообложения как инструмента налогового регулирования. // Бизнес в законе, 2013, № 8, с. 121.
10. Джамалов Х.Н., Уразметов Ж.М. Задачи анализа финансово-хозяйственно-цифровой деятельности в новой системе финансового менеджмента. // Иқтисодиёт ва таълим, 2021. № 3, с. 96-103.
11. Jamalov Kh.N., Abdullayev A.B. (2021) Development Of The Methodology Of Accounting Expertise Of Tax Obligations. The American Journal of Management and Economics Innovations, 3 (05), 151-163.